

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб номланувчи, "Bitech Trading" МЧДЖ раҳбари Жумабаев С.Б., бир томондан, бундан буён матнда «Буюртмачи» деб номланувчи УЗМЕСИШ ВБО МТД раҳбари А.А.И.С.Л.К.С.Т.О.В. иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома буйича «Ижрочи» шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган тасдиқланган калькуляциясига мувофиқ маҳсулотни «Буюртмачи»га мулк қилиб топшириши мажбуриятини, «Буюртмачи» эса маҳсулотларни ўз вақтида қабул қилиши ва қабул қилиб олган маҳсулот учун шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартнома буйича топшириладиган маҳсулотлар рўйхати:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Қиймати
1	USB-флеш-накопитель 32GB (с паролем)	дона	200	799 000	159 800 000
Жами:					159 800 000,00

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси: 159 800 000 (Бир юз эллик тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм ҚҚС билан ташиқил этади.

2.2. «Буюртмачи», шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан кейин 5 (беш) банк кун муддатда етказиб бериладиган маҳсулот учун 30% олдиндан тўловни амалга оширади, қолган 70 % тўловни маҳсулот етказиб берилганидан сўнг ҳисоб фактурасига асосан 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

2.3. «Ижрочи» шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулотларни «Буюртмачи»га шартнома имзолаиб тўловлар амалга оширилгандан кейин шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган муддат ичида топшириши шарт.

2.4. Етказиб бериладиган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиши ёки нақд пул тўлаши орқали амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ижрочи» ҳисоб-рақамига пул келиб тушгач, «Буюртмачи»га шартномада келишилган маҳсулотни етказиб беради.

3.2. «Ижрочи» маҳсулот ва унга сарф бўлган ҳаражатларни ўз ҳисобидан тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

3.3. «Ижрочи» томонининг ишончли вакили, ишончномага асосан маҳсулотни сифатини текшириб олади.

3.4. Маҳсулотни кўрсатилган манзилга «Буюртмачи»нинг ишончли вакили томонидан етказиб бориши давомида маҳсулотга етказилган зарар учун «Ижрочи» жавобгар бўлмайди ва қайтариб олиб келинган маҳсулотни қабул қилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Ижрочи» етказиб бериладиган маҳсулот сифатини, миқдорини, бажариб бериш муддатини кафолатлайди.

4.2. «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан, буюртманинг миқдорида қараб етказиб бериладиган маҳсулот учун шартнома имзолаб, шартномага асосан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин Ижрочи томонидан буюртма берилган маҳсулот 30 кунгача бўлган вақт оралигида бажаради.

4.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган маҳсулот сифатини, миқдорини ва бажариб бериш муддатини текшириб олади.

4.4. «Буюртмачи» маҳсулотни қабул қилиб олади ва шартномада белгиланган маблағни кўрсатилган муддатда тўлиқ тўлашишни кафолатлайди.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг кечиктирилган ҳар бир куни учун «Ижрочи» бажариб берилмаган ишнинг қийматининг 0,5% миқдорида «Буюртмачи»га пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг қийматини тўлаш давомида сунъий тусиқлар билан бажариладиган ишни кечиктириладиган ҳар бир кун учун «Буюртмачи» «Ижрочи»га 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси маҳсулот қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня ва жаримларни тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

6.1. Шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарган тақдирда, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

6.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома шартлари бўйича келиб чиққан баҳс ва келишмовчиликлар ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Мазкур баҳс ва келишмовчиликлар ўзаро ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий суди орқали кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Мазкур шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафлар томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгач юридик кучга эга бўлади.

8.2. Мазкур шартнома 10 кун ичида имзоланмай қолганда ва шу даврда кўрсатиладиган хизмат учун сарф қилинадиган маҳсулотлар нархи ошган тақдирда, шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот нархлари ўзгариши мумкин.

8.3. Шартномада кўрсатилган маҳсулотнинг суммаси ёки бирон бир бандини ўзгартириши керак бўлса, томонлар олдидан бир-бирларини 10 кун олдин огоҳлантириб, ўзаро келишув асосида ўзгартириши мумкин.

8.4. «Буюртмачи» томонидан шартнома тузилиш юзасидан тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар ҳаққоний ва тўғрилигига қафолат бериши мажбуриятини олади.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРИШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши курашиш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Буюртмачи" "Ижрочи"га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ижрочи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9.3. Агар тарафларда бири ушбу банд қоидаларини бузса, иккинчи томон шартномани бекор қилиши тўғрисида хабарнома юбориши орқали шартномани бир томонлама бекор қилишига ҳақли.

10. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

10.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмас кучлар ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботласа, жавобгар бўлмайди.

10.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришига тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларнинг боиланиши ва туғаниши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Агар тарафларда бири ушбу банд қоидаларини бузса, иккинчи томон шартномани бекор қилиши тўғрисида хабарнома юбориши орқали шартномани бир томонлама бекор қилишига ҳақли.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ


11.1. Шартнома икки нусхада тузилади, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

11.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИЖРОЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
"BITECH TRADING" МЧЖ	<div style="border: 1px solid black; padding: 2px;"> O'zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi ShG'HY: 4010 1096 0262 8770 3110 1179 005 INN: 200 697 696 OKONX: 97300 </div>
Манзил: Тошкент шаҳар, Янги Хаёт тумани, O'ZAR, 65, 35	Манзил: Тошкент ш. Я. Мажабу-1, O'ZAR Молура вазирлиги бинасида
X/р: 20208000705299157001	X/р: H/г: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТ ХАЛҚ БАНКИ МИРЗО УЛУГБЕК ФИЛИАЛИ	Банк: MB Toshkent sh. BV XKKM INN: 201 122 919
ИНН: 307869234 МФО: 00822	ИНН: МФО:
ОКЭД: 46490	ОКЭД:
Корхона раҳбари: Жумабоев С.Б. 	

м.у.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Танлов комиссияси раиси,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

М ва МТТД бошлиғи

А.А. Абиджанов

08 2022 йил



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий ва моддий техника таъминоти
Департаменти томонидан моддий-товар бойликлари (хизматларни) сотиб олиш бўйича
танлов комиссияси йиғилишининг

414 сонли

БА Ё Н Н О М А С И .

2022 йил “ 10 ” 08

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 17 мартдаги 55-сон фармойиши
билан тасдиқланган комиссия таркиби

Комиссия раиси:

А.А.Абиджанов Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи.

Комиссия аъзолари:

И.О.Абдурахмонов Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ бошлиғи;

Ш.О. Азим Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи;

М.Е.Утебаев Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД ИА ва Т бўлими бошлиғи

Ш.Ш.Курбанов Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари;

Котиб:

Э.Ш.Эгамбердиев Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ катта инспектори.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий аппарати соҳавий хизматлари учун 200 дона
кодли USB хотира қурилмасини харид қилиш бўйича танлов савдоларини балл бериш усули
орқали ғолиб корxonани аниқлаш.

Йиғилишни Танлов комиссияси раиси – Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи
А.А.Абиджанов олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масалалари юзасидан танлов комиссияси аъзолари томонидан
муҳокама қилиниб бўлингандан сўнг, танлов комиссияси раисининг ўринбосари Н.Ш. Ходжаев сўзга
чиқиб, танлов савдолари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелидаги “Ўзбекистон
Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ўРҚ-684-сон Қонуни талаблари асосида ўтказилишини
таъкидлаб ўтди. ИИВ Марказий аппарати соҳавий хизматлари учун 200 дона кодли USB хотира
қурилмасини харид қилиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрель кундаги
“Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ўРҚ-684-сон Қонуни асосида uzex.tender
веб-сайтга 2022 йил 24 август кuni 140436-сонли лот рақами билан балл бериш орқали ғолибни
аниқлаш бўйича эълон жойлаштрилиганлиги бўйича комиссия аъзоларига ахборот берди.

Шундан сўнг, “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ўРҚ-684-сон
Қонуни талаблари бўйича қўйилган талаблар ХК “Modern Electric Technology”, МЧЖ “Britech
Trading” МЧЖ “Global Technologies” корxonалари томонидан кўриб чиқилди ва USB хотира
қурилмаси қўйилган талаблардан фақат МЧЖ “Britech Trading” (90 бал) корxonаси томонидан

тўлиқ электрон тарзда кўрсатиб ўтилганлиги ва бошқа корхоналардан ХК “Modern Electric Technology” (60) ва МЧЖ “Global Technologies”лардан (65) юқори бал тўплаганлиги инobatга олиб, 2021 йил 22 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилган деб ҳисоблансин ҳамда ИИВ Марказий аппарати соҳавий хизматлари учун 200 дона кодли USB хотира қурилмасини харид қилиш бўйича МЧЖ “Britech Trading” корхонаси голиб деб топилсин.


1. Ўрнатилган тартибда танлов голиби билан шартнома тузилсин.

2. Танлов савдолари голиби ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва МТТ Департаменти ўртасида имзоланган шартнома ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш учун юборилсин.

Харид комиссияси аъзоларининг имзолари:

Комиссия аъзолари:

ИИВ МваМТТД бошлиғининг ўринбосари,
МТТБ бошлиғи



И.О.Абдурахмонов

ИИВ МваМТТД бошлиғининг ўринбосари,
Хўжалик бошқармаси бошлиғи



Ш.О.Азим

ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими
бошлиғи



М.Е.Утебаев

ИИВ МИБ бошлиғининг
ўринбосари



Ш.Ш.Курбанов

котиб:

ИИВ МТББ катта инспектори



Э.Ш.Эгамбердиев